# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 19 сентябрь, № 185 (5859) Пайшанба


ЭЪТИРОФ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи Бельгия ва Нидерландиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ҳамда иқтисодий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.*

## «Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим ўрин эгаллайди»

Хусусан, **Европа халқаро муносабатлар институтининг етакчи эксперти, геосиёсат бўйича мутахассис Пьер-Эммануэль Томанн** давлатимиз раҳбарининг нутқида акс этган Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларидаги муваффақиятларини, шунингдек, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан сиёсий ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади.

“Ўзбекистоннинг мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бораётгани, унинг иқтисодий тараққиётнинг кўпгина жиҳатлари бўйича устуворликларга эга эканлиги бутун минтақа мустақиллигининг кафолати сифатида хизмат қилади”, деди у.

Шу билан бирга, эксперт Ўзбекистон раҳбариятининг жамиятда дўстлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга нисбатан жиддий ёндашаётганини алоҳида эътиборга молик эканини таъкидлаб, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, демократик ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлида мамлакатимизга янгидан-янги зафарлар тилади.

**Брюссель эркин университети фахрий профессори Жан Бланкофф** фикр билдирганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур табрик сўзида юртимиз истиқлол йилларида эришган натижалар билан бирга, мамлакатимизнинг келгусидаги тараққиёти ва равнақи кафолати, яъни унинг улкан салоҳияти ҳам акс этган. Ж. Бланкофф чуқур ислоҳотлар олиб бораётган ҳамда саноатни тобора ривожлантираётган Ўзбекистон, шубҳасиз, минтақанинг етакчи демократик давлатларидан бири саналишини таъкидлар экан, Ватанимиз халқига ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди.

**Нидерландия экспорт конфедерацияси президенти Вильям Хаагсма** давлатимизнинг Марказий Осиёда тутган муҳим ўрнини эътироф этар экан, бу “нафақат Ўзбекистоннинг тараққиёти ва ҳаёт даражаси юксалишига ижобий таъсир кўрсатаётганини, балки бутун минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик муҳитининг мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшаётганини” алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонни Мустақилликнинг 22 йиллиги билан табриклар экан, В. Хаагсма юртимизнинг тўғри танлаб олинган стратегия билан аҳоли манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда, янада жадал суръатларда тараққий топишига комил ишонч билдирди.

(Давоми 2-бетда).

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

*Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида энергетика, кимё ва қурилиш соҳаларига бағишланган халқаро кўргазмалар ўз ишини бошлади. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзбекэнерго” компаниялари, Энергетика ва автоматика институти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.*

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА



Халқаро кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойида саноат ишлаб чиқариши рақобатдошлигини ошириш ва уни янада диверсификация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8,2 фоизга ўсгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган қарорига кўра, республикамизда 640 дан зиёд инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун ажратилаётган маблағнинг салмоқли қисми энергетика соҳасига йўналтирилаяпти. Қолаверса, юртимизда энергияни тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари, ўз навбатида, соҳага илғор технологияларни жалб қилиш, хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш ишларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. “UzEnergyExpo — 2013” VIII халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси эса айнан шу мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Чунки унда кўплаб маҳаллий ва хорижий компаниялар ўз хизмат ва маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).







# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ *“White Machine Technology” қўшма корхонасининг Нукус шаҳридаги “Электроника” филиалида замонавий чангюткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.*

## Талаб ва таклиф уйғунлиги

Таъкидлаш керакки, импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулот ички бозорда тезда харидорлар эътиборига тушди. Буни ўтган йили 43 минг донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилгани, жорий йилнинг 7 ойида эса уч турдаги 26 минг дона чангюткич буюртмачиларга етказиб берилганидан ҳам билса бўлади. Жамоа йил охиригача мазкур кўрсаткични 45 минг донага етказишни мўлжалламоқда.

— Ишчиларимизнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади, — дейди корхона раҳбари К. Яминов. — Келгуси йилда жамоа билан ҳамжиҳатликда чангюткичлар турини яна учтага, ишлаб чиқариш ҳажмини эса 30 фоиз оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Шўрчи туманидаги “Шўрчи дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 2 миллион 752 минг АҚШ долларилик модернизациялаш тадбирлари якунига етказилди.*

## Иш самарадорлиги юқори

Айни пайтда 970 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кунига 600 тоннагача ун тайёрланаяпти.

— Цехларимизга ўрнатилган тегирмон ва ускуналар кам энергия сарфлаши билан бирга, самарадорлиги ҳам юқори, — дейди корхона раҳбари Омон Чўтов. — Маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди. Бу эса ун маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Олтинкўл туманилик санъатсевар ёшлардан 150 нафари жорий ўқув йилини янгидан барпо этилган мусиқа ва санъат мактаби биносида бошладилар.*

## Санъатсевар ёшларга туҳфа

Бунёдкорлик ишларига 2 миллиард 435 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, ўқув даргоҳи замонавий чолғу асбоблари билан таъминланди. Ҳозир бу ерда иқтидорли ўғил-қизлар мусиқа ва санъатнинг 20 га яқин йўналиши бўйича сабоқ олмоқдалар.

Эътиборлиси, бу каби мусиқа ва санъат мактаблари Улуғнор, Избоскан, Пахтаобод ҳамда Марҳамат туманларида ҳам ишга туширилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Инвестиция — юксалиш омили

*Инсон манфаатлари улуғланиб, унинг фаровон турмуш кечиришига алоҳида эътибор қаратилган жойда, албатта, ривожланиш кузатилади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин тасдиғидир.*

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Қувонарлиси, иқтисодиётимиздаги барқарор ўсиш суръатлари аҳоли даромадлари кўпайиб, эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бундай юксак самараларга эришишда, аввало, янги замонавий корхоналар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат турлари сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётгани, қисқача айтганда, иқтисодиётимизнинг тубдан янгиланаётгани муҳим омил бўлаётир. Жумладан, Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 117 та корхона фойдаланишга топширилиб, улар томонидан 436,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мазкур корхоналарнинг барчаси хорижлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Шу ўринда таққос учун бир оз ортга назар ташласак. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз мустақилликка эришган йили вилоятда чет эл инвестицияси иштирокида 2 та корхона мавжуд бўлиб, улар томонидан атиги бир миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган экан, холос. Бугунги кунга келиб эса, бу кўрсаткич салкам 250 баробарга ортди. Биргина “Ўзсангво” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг ўзида йилига 82,7 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, корхонада четдан бутловчи қисмлар олиб келинишининг қисқариши ҳисобига 25 миллион доллар миқдорида валюта тежалишига эришилмоқда. Қолаверса, жамоа аҳли вилоятнинг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг қарийб 5 фоизини қондириш баробарида, асакалик автомобилсозларга 183 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб бераяпти.

Дарҳақиқат, Фарғона вилояти Асакадаги автомобиль заводига эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи муҳим марказлардан бирига айланмоқда. Мисол учун, бундан 3 йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Қўқондаги “Автосаноаткомплект” корхонасида дастлаб 20 га яқин эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда фақат “Спарк” автомобили учун мўлжалланган маҳсулотлар сони 70 тадан ошди. Шундан бештасини Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу янги маҳсулотлар Қўқондаги транспорт коллежини битирган 14 нафар ёш мутахассис томонидан тайёрланаётгани эътиборга лойиқдир.

Умуман олганда, вилоятда Жанубий кореялик сармоядорлар, хусусан, Чиячун, Похан шаҳрилик ишбилармонлар билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

ШАРҲ

*Мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқ ва марралари бугун дунё жамоатчилиги томонидан юксак даражада эътироф этилиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва дунёда “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт йўлимизнинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича ўрганилаётир.*

# Ишончли, барқарор ва истиқболли

**Мамлакатимиз молия-банк тизими ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.**

Чунки ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишнинг мустаҳкам асослари яратилди. Айниқса, 2008 йилдан бошланиб, ҳали-бери давом этаётган, ҳатто, энг ривожланган давлатларни ҳам мураккаб аҳволга солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида биз танлаган модель нақадар тўғри ҳамда ишончли эканлиги ўз исботини топмоқда.

Дарҳақиқат, миллий тараққиёт йўлимиз тамойиллари асосида юртимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган дастурларнинг изчил амалга оширилгани инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ҳамда беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия-банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Масалан, охирги олти йилда республикамиз ялпи ички маҳсулотининг ўртача ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори бўлаётганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Сўнгги йилларда юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган бир қатор халқаро конференцияларда қатнашган нуфузли халқаро молия институтлари раҳбарлари, етакчи олим ва мутахассислар, бизнесменлар ҳам ислоҳотларнинг жойлардаги самараларини ўз кўзлари билан кўриб, уни алоҳида эътироф этдилар. Ҳамкорлик қилиш, инвестиция киритиш истагини билдирдилар. Мана бу рақамларга бир эътибор беринг-а: ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётимизга жалб этилган жами инвестицияларнинг 2 миллиард 500 миллион АҚШ долларидан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқиб, амалга оширилган изчил тадбирлар туфайли жорий йилнинг олти ойида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 13,2 фоиз ошди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат каби тармоқларнинг улуши 2012 йилнинг шу давридаги 53 фоиз ўрнига**

**56,1 фоизга ошди.**

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш сингари тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).




Масалан, Италиянинг "StarPower" компанияси ўзининг замонавий маҳсулотлари билан иштирок этаётган бўлса, Хитойнинг "China Petroleum Engineering Co. LTD" ҳамда пойтахтимизда фаолият юритаётган "Нурқурилиштаъмир" масъулияти чекланган жамиятлари энергетика объектларини қуриб, уларни тайёр ҳолда топширишга доир хизматларини тақдим қилмоқда.

Ўзига хос саноат форумига айланган тадбирнинг "UzChemPlastExpo — 2013" III халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳам соҳа мутахассислари ва ишлаб чиқарувчилари билан гавжум. Чунки бу ерда кимё саноатининг илғор ютуқлари, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологиялар, инновацион ишланмалар кенг намойиш этилмоқда.

— Биз, асосан, кимё саноатига лаборатория жиҳозлари, техник қўшилмалар, ўлчаш ва таҳлил ускуналарини етказиб бериш билан шуғулланамиз, — дейди "Kimyofarminvest" масъулияти чекланган жамияти бош менежери Дилшод Маҳмудов. — Айни пайтда Хитой, Россия, Жанубий Корея, Украина, Буюк Британия давлатларидан келтирилган ушбу маҳсулотларимизга "Навоийазот", "Фарғонаазот", "Шўртаннефтгаз", Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати сингари йирик саноат корхоналари харидор бўлмоқда. Шу билан бирга, ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича ҳам алоқаларни йўлга қўйганмиз. Ўйлаймизки, тадбир давомида бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб оламиз.

Маълумки, сўнгги пайтларда мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қишлоқларимиз қиёфасига чирой бағишлаётган намунавий лойиҳадаги уйлар, юзлаб километрга чўзилган автомобиль ва темир йўллари, маҳобатли кўприклар, замонавий ишлаб чиқариш объектлари ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. "UzPromStroyExpo — 2013" III халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси қатнашчиларига юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу эса, Ўзбекистонда келгусида қурилиш ишлари бундан-да жадаллашишидан далолатдир.

Халқаро кўргазмалар жорий йилнинг 20 сентябрига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, бундан бир неча йиллар аввал Тошлоқ туманида Жанубий Кореянинг "ДЭУ Текстиль" компанияси томонидан калава ип тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Кейинчалик Қўштепа туманининг Сармозор қишлоғида шу асосда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга

# Инвестиция — юксалиш омили

ихтисослаштирилган янги корхона бунёд этилди. Бугун мазкур корхонанинг 50 дан зиёд маҳсулотлари хорижлик буюртмачиларга пешма-пеш жўнатилаяпти.

Вилоят саноатидаги ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, Қўқондаги "Индорама-Қўқон-Текстиль" Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси фаолиятини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Чунки 2011 йилнинг август ойида иш бошлаган ушбу корхона қисқа муддат ичида дунё тўқимачилари назарига тушди. Унинг маҳсулотлари Германия, Франция, Эрон, Бразилия, Колумбия сингари мамлакатларга экспорт қилинаётгани ана шундан далолат беради. Яқинда бу ерда яна бир инновацион лойиҳага қўл урилди. Яъни корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини деярли икки баробар ошириш, ишчилар сонини 350 нафарга етказишни таъминлади. Янги иш ўринларининг 150 тасига эса шу йили касб-ҳунар коллежларини битирган ўғил-қизлар жалб қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, вилоятда хорижлик ишбилармонлар билан ўрнатилган ҳамкорлик амалда ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 207,7 миллион АҚШ долларини ташкил этгани бунга мисол бўла олади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Ўзбекистон Марказий Осиёда муҳим ўрин эгаллайди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вильям Хаагсманинг таъкидлашича, "Бугун мамлакатда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз маҳсулини беражак. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, иқтисодиёт соҳасидаги муваффақиятлар эса бунинг калити сифатида хизмат қилади".

**"Way Press" агентлигининг халқаро муносабатлар хизмати бошлиғи Ксавьер Фрин** фикр билдирганидек, аниқ-равшан воқеликлар Ўзбекистон раҳбарияти томонидан танлаб олинган иқтисодий ривожланиш ва демократлаштириш йўли тўғри эканлигини намоён этмоқда.

"Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик тараққиёт йўлида олға қадам ташлаш учун улкан имкониятларни яратди. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, белгилаб олинган туб демократик ўзгаришлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилинаётир, жамият барча соҳаларининг либераллашуви ҳамда модернизацияси жараёнлари давом этмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг нутқида ўз аксини топган тараққиёт кўрсаткичлари мамлакатнинг истиқлол йилларидаги муваффақиятли ривожланишидан далолат беради", деди К. Фрин.

Давлатимиз раҳбарининг табрик сўзи ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, **"Unicap-TV" компанияси вице-президенти Жан Франсуа Ривалайн** иқтисодиётни самарали бошқариш, мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар, мустаҳкам иқтисодий тизимнинг яратилгани, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш сингари йўналишлар Ўзбекистоннинг муваффақиятли тараққиётида муҳим ўрин тутишини эътироф этди.

Ф. Ривалайннинг айтишича, "Табиий ресурсларнинг бой захиралари, тараққий топган технологиявий ва техникавий инфратузилма ҳамда самарали давлат сиёсати келгусида ҳам миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилади".

**«Жаҳон» АА.**

## ФАРМОН ВА ИЖРО

*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда "Суд тизими кадрларини тайёрлаш ва суд этикасига оид халқаро стандартлар" мавзуида семинар ўтказилди.*

# Малакали ва тажрибали судьялар

### соҳа ислоҳотлари ривожида алоҳида ўрин тутади

Унда ушбу марказ ўқитувчи ва тингловчилари, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, Судьялар ассоциацияси, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, ИИВ академияси, Тошкент давлат юридик университети вакиллари ва хорижлик экспертлар иштирок этишди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида юқори малакали хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ўтказилган тадбирда иштирокчилар, хусусан, марказ тингловчилари ривожланган давлатларнинг суд тизими кадрларини тайёрлаш ва суд этикаси борасидаги тажрибалари билан таништирилди. Аниқроқ айтганда, улар суд этикасининг халқаро стандартлари, бу борадаги миллий қонунчилик асослари, судьяларнинг профессионал фаолиятини олиб бориш қоидалари ва уларнинг хизматдан ташқари фаолиятига оид этика талаблари билан танишиш ҳамда муҳокама қилиш имкониятига эга бўлишди.

— АҚШлик федерал судья томонидан судьялар фаолиятининг Бангалор тамойиллари моҳияти очиб берилгани тингловчиларимиз учун айни муддао бўлди, — дейди Юристлар малакасини ошириш маркази директори А. Ғафуров. — Мазкур ҳужжатда судьялар фаолиятига оид мустақиллик, холислик, тўғрилик ва ҳалоллик, этика нормаларига риоя қилиш, тенглик ва тиришқоқлик каби тамойиллар белгиланган бўлиб, бунга ҳар бир судья амал қилиши керак.

Тадбирда суд этикасига оид халқаро стандартларни жорий этиш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибаси ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, дунёнинг аксарият давлатларида судья фаолияти суд этикаси кодекслари билан тартибга солинади. Унга кўра, ўзини тутишнинг тўғри усулини танлаш, суд тизимидаги тегишли тузилмаларга мурожаат қилиш имкони судьянинг ўзига берилади. Шундан келиб чиқиб, семинарда юқори малакали ёндашувни таъминлаш нафақат давлат ва суд органларининг, балки ҳар бир судьянинг мажбурияти эканлиги таъкидланди.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда суд кадрларини тайёрлаш ва соҳа этикаси қонунчилик асослари билан ҳам танишдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунда судьяларнинг ҳуқуқий ваколатлари белгилаб берилганлиги ҳамда уларга давлат ҳокимиятини амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда фуқаролар ва ташкилотларнинг, давлат ва жамоатнинг манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли талаблар қўйилганлиги юқори баҳоланди.

Шуларга мос равишда судья кадрларнинг малакасини ошириш, судьялар захирасини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил февралида Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан судьялар учун хизмат вазифаларини бажараётганда ва хизматдан ташқари пайтдаги мажбурий қоидалар тартибга солинди. Хорижлик мутахассислар бу янгиликлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтишди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтидорлиларга рағбат

**А**ндижонда анъанавий "Келажак овози — 2013" танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур танлов иқтидорли, қобилиятли ёшларни кашф этиш, рағбатлантириш ва янги парвозларга даъват қилишда муҳим аҳамият касб этаётир. Вилоятда биргина жорий йилнинг ўзида танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони 8500 нафардан ортди. Шундан 43 нафар истеъдодли ёшлар республика босқичига йўлланма олди. Ғолибларга "Келажак овози" танловининг махсус дипломлари, вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳомий зиёд йигит-қиз иштирок этиб, корхона, ташкилот, муассасалар билан меҳнат шартномаларини туздилар. Шуниси эътиборлики,

## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбир давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ҳам ўтказилди. Унда ўқув даргоҳларини тамомлаган минг нафардан

Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази томонидан кейинги тўрт йилда 800 нафар мутахассис тўғридан-тўғри ишга жойланди. 4500 нафардан ортиқ йигит-қиз эса "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари орқали муқим иш жойига эга бўлди.




Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Қ**арши шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам кўтаринки руҳда якунига етди.

Танловнинг вилоят босқичида 900 нафардан зиёд йигит-қиз ўз маҳорати ва истеъдодини синовдан ўтказди. Энг иқтидорли, билимли ёшларнинг 45 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Танловда "Завод чиқиндиси ҳисобланган алюминий оксидини алюминий сульфатга айлантириш" мавзуидаги лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналиши бўйича вилоят босқичи ғолиби, Қарши давлат университети талабаси Фурқат Жовлиев. — Лойиҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланганидан жуда хурсандман.

Форум доирасида "Келажак овози" танловининг вилоят босқичи ғолиблари махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Соғлом ва баркамол авлод — ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари, мактаб, маҳалла, ота-оналар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан журналистларга атрофлича маълумот берилди.

**● Фарғонада ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги муҳим вазифаларга бағишланган семинар ташкил этилди. Семинарда, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида билдирилган фикрлар мазмун-моҳияти ҳақида маърузалар тингланди.**

● Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида юксак маънавий тарбия инсонни инсон қиладиган асосий мезон мавзусида семинар ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Ишончли, барқарор ва истиқболли

### Мамлакатимиз молия-банк тизими ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу, албатта, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани, хорижий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ҳамда имтиёзлар мавжудлигининг самараси, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонга бўлган ишончнинг яққол тасдиғидир.

Гап иқтисодиёт ҳақида борар экан, унинг "қон томири" дея таърифланадиган молия-банк тизими тўғрисида тўхталмай иложимиз йўқ. Бугунги кунда республикамизда 29 та тижорат банки фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 таси давлат-тижорат, 13 таси акциядорлик тижорат, 9 таси хусусий ва 4 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Айтиш жоизки, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг инвестиция, иқтисодиётни таркибий ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда инфляциянинг паст даражада бўлиши ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончининг ортиши банклардаги депозит маблағларнинг сезиларли даражада ўсишига, банкларнинг молиявий воситачилик роли мустаҳкамланишига замин яратди.

Мамлакатимиз банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва уларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тижорат банкларининг капитали мунтазам ўсиб бораяпти. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича тижорат банкларининг жами капитали 23,6 фоиз, уларнинг жами активлари 30,7 фоиз, мижозларнинг банкларга жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошди. Пировардида республикамиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизга етди ва бу Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг амалдаги минимал талабларидан 3 баравар кўпдир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бу молия муассасалари ресурс базасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Айтайлик, ҳозирги вақтда мамлакатимиз тижорат банклари 400 дан ортиқ жозибадор омонат турларини таклиф этмоқда. Банк тизимининг ташқи кредиторлар олдидаги мажбуриятлари жами ресурслар базасининг 10 фоизидан ошмайди. Ташқи қарзлар, асосан, стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни имтиёзли тарзда узоқ муддатга молиялаштириш учун тақдим этилмоқда.

Сармоя бор жойда, албатта, эзгу ишларга ҳам имкон топилади. Шу маънода айтганда, республикамиз тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтираётган кредитлари миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг олти ойида инвестиция мақсадларига 3,4 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш, уларни янги мулкдорларга топшириш бўйича тадбирларни амалга ошириш доирасида тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун 429,2 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда 25 мингдан зиёд иш ўрни ташкил қилиниб, шунча кишининг бандлиги таъминланган бўлса, умумий қиймати 2,2 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 601,5 миллион АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинди. Кўриб турганингиздек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги жараёнлар бири-бирини тўлдириб бораверади. Яъни барқарор ривожланиш аҳоли фаровонлигининг ҳам кафолатидир. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Юртимизда 2008 йилдан бошлаб тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун "Мудис", "Фитч Рейтингс", "Стандард энд Пурс", "Томпсон Файнэншл Банк Вотч", "Жапан Кредит Рейтинг Эженси", "Рейтинг Эженси Малайзия" каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келинаяпти. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими халқаро талабларга қатъий жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Буни сўнгги йилларда "Стандард энд Пурс", "Мудис", "Фитч Рейтингс" каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда "барқарор" рейтинг даражаси берилаётгани ҳам тасдиқлайди. Агар 2008 йилда мамлакатимизнинг 12 та тижорат банки "барқарор" рейтингини олган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 15 тага, 2011 йилда 23 тага, 2012 йилда эса 28 тага етди.

**М**ухтасар айтганда, Ўзбекистон молия-банк тизими йилдан-йилга такомиллашиб, халқаро миқёсда юқори мавқега эга бўлиб бораяпти. Бу юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётганининг яққол тасдиғидир.

**Баҳриддин БЕРДИЯРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Банк-молия академияси кафедра мудири.**

# Боқий қадриятлар эъзози

*Юртимизда азал-азалдан ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилган. Шу боис қўли гул устаю ҳунармандларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорида ҳамиша харидоргир бўлган.*

*Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда истиқлол йилларида мазкур соҳа янгича сайқал топиб, жадал ривожланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган имтиёзлар рағбатлантирувчи омил бўлаяпти.*

ҲУНАРМАНДЧИЛИК



Бугунги кунда “Ҳунарманд” уюшмасининг Навоий вилояти бошқармасида рўйхатдан ўтган 1100 нафар истеъдод эгаси ҳунармандчиликнинг 25 тури бўйича самарали фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир.

Шулардан бири — нуроталик Саодат ая Файзиева, мана, 30 йилдирки, бутун оила аъзолари билан каштачилик билан шуғулланиб келади. Ўтган давр ичида онахон бу касбни санъат даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. Пировардида оилавий ҳунармандлар тиккан сўзаналар, нимчаю дастурхонларга хорижлик сайёҳларнинг ҳам талаби тобора ортиб бормоқда.

— Жорий йилда вилоятимизнинг “Сармишсой” дарасида бўлиб ўтган “Асрлар садоси” фестивалида Нурота каштачилик мактабининг намуналарини, хусусан, сўзананинг босма, кандахиёл, хомдўзи, ироқи, бодом, қалампир ва анор нусха каби турларини кенг намойиш этдик, — дейди Саодат ая. — Тадбир асносида меҳнатларимиз юқори баҳолангани эса барчамизнинг кучимизга куч қўшди, янги марралар сари илҳомлантирди.

Оилавий тадбиркорлик сабаб элнинг олди бўлиб юрган хонадоннинг фарзанди Шерали Исломов эса матога нақш солиш борасидаги маҳорати билан кўпчиликни ҳайратга солиб келмоқда.

— Матога нақш тушириш инсондан сабр ва матонат талаб этувчи ноёб санъатдир, — дейди у биз билан суҳбатда. — Чунки нақшларнинг ҳар бир безаги учун соатлаб ишлашга тўғри келади. Иш битгач, яъни санъат даражасида намоён бўлган нақш ёки гуллар тасвирини кўрганимизда эса, касбимиз нақадар завқли эканлигини ҳис қиламиз.

Юртимизнинг кўҳна қўрғони, чашмасидан нур таралиб турувчи Нурота каштадўзлари тиккан сўзана, нимсўзана, чачвон, ёстиқ, зардевор, жойпўш, белбоғ, пешонабанд, шона-халта, ойна-халта, қаламдон-қоп каби миллий буюмлар ҳам қадимдан маълуму машҳур. Умуман, бугунги кунда яратилиб берилаётган имкониятлар ҳунармандчилик билан шуғулланаётган бу каби оилавий тадбиркорларга қанот бағишламоқда.

Дарҳақиқат, имтиёз ва қулай шарт-шароит бор жойда ривожланиш бўлади. Энг муҳими, аждодларимиз анъанасини давом эттираётган ишбилармонларимизнинг изланишлари натижасида кўплаб янги иш ўринлари очилиб, ёшлар ушбу касб сир-асрорларини пухта ўрганишлари учун замин яратилаётир. Бу эса барчамиз учун эъзозли бўлган қадимий қадриятларимиз бардавомлигидан далолатдир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ҚУЛАЙЛИК

*Норин тумани маркази — Ҳаққулобод шаҳри автошоҳбекатида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, йўловчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди.*

## Замонавий шоҳбекат

Иншоотни замонавий андозада қайта қуриш учун 300 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари, бино атрофида 30 га яқин маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари бунёд этилди. Шоҳбекатнинг ўзида салкам 10 киши иш ўрнига эга бўлди.

Айтиш лозимки, туманда жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилиш, корхоналарни модернизациялаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳисобига 3600 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фильмлар фестивали

*Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида “Спорт кино ва телевидениеда” VIII халқаро саралаш фестивали бошланди.*

ТАДБИР

Мазкур тадбир Ўзбекистон Спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Жорий йилда танлов ташкилий қўмитасига Франция, Германия, Португалия, Латвия, Беларусь, Грузия каби ўнга яқин давлат киноижодкорлари томонидан суратга олинган ўттизга яқин фильмлар тақдим қилинди. Фестивалда, шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Спорт” телеканали, “Ўзбектелефильм” давлат унитар корхонаси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда нодавлат телеканал ва киностудияларнинг юртимиз спорти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлари, телевизион очерк, ижтимоий ролик ҳамда репортажлари ҳам намойиш этилаяпти.

— Тадбирни юқори савияда ўтказишга, унда юртимиз кино ва телевидение ижодкорлари, айниқса, ёш истеъдод эгаларининг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси раиси Собиржон Рўзиев. — Яна бир аҳамиятли жиҳати, хорижлик киноижодкорлар фестиваль доирасида намойиш этилаётган картиналар орқали мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги салоҳияти, бу борада яратилаётган имкониятлар ва халқаро майдонда қўлга киритилаётган юксак муваффақиятлар билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Айтиш жоизки, Халқаро спорт киноси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд давлати аъзо. “Спорт кино ва телевидениеда” халқаро саралаш фестиваллари жаҳоннинг 14 шаҳрида ўтказилади. Ана шу тадбирларда ғолиб чиққан кино ва телевидение маҳсулотлари жорий йилнинг декабрида Миланда бўладиган Бутунжаҳон “Sport movies & TV” фестивалига тақдим этилади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида “Workshop — 2013” маҳорат сабоқлари давом этаяпти.*

*Ўзбекистон Бадиий академияси, Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик фонди, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда археология соҳасида изланиш олиб бораётган ёш мутахассислар, олимлар, музей ходимлари, талаба-ёшлар қатнашмоқда.*

# Маҳорат сабоқлари

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш масаласи устувор вазифалардан бирига айланди. Хусусан, тарихий обидалар ва ёдгорликларни тадқиқ қилиш, уларни асл қиёфасига мос тарзда қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Халқаро маданият карвонсаройида уюштирилган маҳорат сабоқлари эса бу борада ёш археологлар, таъмиршунослар, музей ходимлари, талаба-ёшларнинг малакасини орттириш, соҳага оид замонавий ускуна ва технологиялар билан яқиндан танишиш имконини бераяпти.

— Кулоллик бўйича мутахассисман, — дейди лойиҳа қатнашчиси Ш. Шерназаров. — Ёшларга ушбу ҳунар сирларини ўргатиб, унинг тарихи билан боғлиқ маҳорат сабоқларини бераяпман. Иштирокчи ёшларнинг муваффақияти шундаки, илмий изланишлар, назарий сабоқлар амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда. Бу хайрли ишда япониялик мутахассисларнинг иштирокидан ғоятда мамнунмиз.

Эътиборли томони шундаки, маҳорат сабоқлари доирасида қатнашчилар Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги Қаршаултепа ёдгорлигидаги қазишма ишларида фаол иштирок этишаётир.

— “Археология устахонаси” деб номланувчи маҳорат дарсларининг тўртинчи бор тингловчисиман, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Зуҳра Бухарева. — Назарий билимларимизни амалиёт билан бойитиб бораётганимиз ушбу соҳани мукаммал эгаллашимизда қўл келиши, шубҳасиз.

Талаба-ёшлар ёдгорлик мажмуасидан қайтгач, устозлари ҳамда Кунчиқар мамлакат мутахассисларидан археология соҳаси асослари, археологик қазишма ишларни олиб боришдаги асосий услублар юзасидан қимматли сабоқлар олишмоқда.

Жорий йилнинг 26 сентябрига қадар давом этадиган мазкур маҳорат дарслари жараёнида Буюк Ипак йўли маданий меросини сақлаш истиқболлари, шунингдек, қадимшуносликка оид вазифаларни белгилаб олиш сингари бир қатор мавзуларда анжуманлар ҳам ўтказилади.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Moody‘s Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

«Қишлоқ қурилиш банк»

очиқ акциядорлик тижорат банкининг

барча рейтингларини

«БАРҚАРОР»

истиқболи билан қайта тасдиқлади.

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

1587R/537

Спорт ● Sport ● Спорт

## Осиё кубогидаги ажойиб ютуқ

***Корея Халқ Демократик Республикасининг Пхеньян шаҳрида оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида бўлиб ўтаётган Осиё кубоги баҳсларида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этишмоқда.***

Жумладан, ҳамюртимиз Зуфар Қодиров вазни 105 кг.дан ортиқ бўлган полвонлар беллашувида штангани даст кўтаришда 150, силтаб кўтаришда 180, иккикураш бўйича 330 килограмм оғирликни бўйсундириб, бир йўла учта олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир умидли спортчимиз Файзулло Набиев (+77 кг.) эса штангани силтаб кўтаришда 161 кг. натижа қайд этиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

## Жаҳон чемпионатига йўлланма

***Таиланд пойтахти — Бангкок шаҳрида гандбол бўйича 17 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди.***

Мусобақада қитъамизнинг энг кучли етти терма жамоаси совринли ўринлар ва келаси йили Македония давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатининг тўрт йўлланмаси учун кураш олиб борди.

Қизиқарли кечган ўйинларда ўзбекистонлик спортчилар эронлик гандболчи қизларни 33:24, хитойлик рақибларини эса 33:29 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дунё биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳамюртларимиздан ташқари, Жанубий Корея, Япония ва Қозоғистон терма жамоалари ҳам йўлланмаларга эга бўлди.

## Боксчимиз муваффақияти

***Украинада бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Элдор Мержанов (-66 кг.) бронза медали совриндори бўлди.***

Умидли спортчимиз нимчорак финалда литвалик Витаутас Балсисни, чорак финалда грузиялик Георгий Харабадзени мағлубиятга учратди. Финал йўлланмаси учун кечган баҳсда эса рақибига имкониятни бой бериб қўйди.

Жаҳон чемпионатида, шунингдек, вакилларимиздан Сулаймон Латипов (-46 кг.), Бобирмирзо Толипов (-57 кг.), Музаффар Рашидов (-60 кг.) ва Баҳромжон Фозилов (-75 кг.) чорак финалгача бўлган беллашувларда муваффақиятга эришди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5